
Байрамда Фавқулдда вазиятлар бўлими ходимлари ҳам муносиб рағбатлантирилди

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон тумани Фавқулдда вазиятлар бўлими ходимларининг ҳам хизматларини эътироф этиш мақсадида туман ҳокимлиги ташаббуси билан учрашув ташкилланди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокимининг ўринбосари Шерзодбек Исмоилов ва Муслимбек Аҳмедовлар соҳа фидоийларини бугунги байрам билан муборакбод этиб, юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган тизим хизматчиларига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ҳаётимизда кутилмаганда содир бўладиган турли вазиятлар, фалокатларда айна тизимдаги қутқарув тузилмалари вакиллари биринчи бўлиб кўмакка шошилиши, уларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида ҳар хил кўнгилсизликларнинг олди олиниши таъкидланди. Жасоратли ўғлонларнинг келгуси ишларида зафарлар тиланиб, уларга туман ҳокимлигининг ташаккурнома ва байрам совғалари топширилди.

2025-01-14 19:08:20